

5-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИ

Режа:

- 1. Ер фонди ҳақида тушунча*
- 2. Республика Ер фонди.*
- 3. Республика ер ресурслари*
- 4. Ўзбекистонда тарқалган тупроқлар*
- 5. Тупроқлардан тўғри фойдаланиш*

Ер фонди (лот-фундус-негиз)-ягона ер фонди, барча ерларни улар кимнинг қармоғида ва тасарруфида бўлишидан қатъи назар ўз ичига олади. Ер фонди қишлоқ хўжалиги ерлари, махсус ерлар(саноат, транспорт ва бошқа ташкилотларнинг қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланувчи ерлари), шаҳар ерлари, ўрмон фонди ва давлатнинг захира ерларидан иборат.

Ривожланган мамлакатларда ер фонди ерга эгалик қилиш характериға кўра давлатға тегишли ерлар (миллий парклар ва кўриқхоналар), турли ташкилотларға қарашли ерлар (муниципиал, черков ерлари) ва хусусий шахсларға қарашли ерларға бўлинади¹.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер давлат мулки ҳисобланади ва у ҳеч кимға хусусий мулк сифатида берилмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида модда билан қонунийлаштириб қўйилган. Давлат муайян муддатларға ва вақтинчалик фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган корхона ва хўжаликларға, шунингдек фуқароларға ер ажратиб беради.

Давлат ер фонди ер эгалиги ёки ердан фойдаланувчилар худудидаги барча қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган

¹ Асанов Г.Р. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоқли луғати.-Т.: ЁИИтувчи, 1990,-Б 69.

(хайдаладиган ерлар, дарахтзор, яйлов, пичанзор, ўрмонзор, кўрик ер) ерлардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикасининг умумий ер фонди 44797,7 минг гектарни ташкил этади. Унинг 70 % дан зиёдроқ қисми ёки 32 млн га қисмидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмоқда. Ер фондининг ўрмон хўжалиги корхоналарига 12,4 % и (5,5 млн.га), чўл-тоғ минтақасида жойлашган давлат захирасидаги унумдорлиги паст ерларга 10,4 % и (4,7 млн. га), саноат ва транспорт ерларига 4,1 % и (1,8 млн. га) ва аҳоли пунктлари эгаллаган ерларга 0,5 % и (0,2 млн.га) тўғри келади. 0,5 млн га ер бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда.

Жами қишлоқ хўжалиги майдони ерлари 27987 минг гектар, шундан суғоришга яроқли ерлар 5,0 млн. гектар, суғориладиган ерлар майдони эса 4238,6 минг гектар, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони деярли 32 млн. гектар, экиладиган ерлар 4090,2 минг гектар, хайдаладиган ерлар 4474,5 минг гектардан иборат.

Республика ер фондининг асосий қисми(салкам 62 % га яқини) қишлоқ хўжалиги ерлари тоифаларига мансуб, қолган қисми эса фуқаролар ерлари, яъни томорқа(1 %), ўрмон ва тўқайзорлар(3,2 %) ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан (34,2 %) иборат. Суғориладиган ерлар жами ер ресурсларининг 9,2 % ини ташкил этади.

Ер майдони ва қишлоқ хўжалиги ерларининг ердан фойдаланувчилар
бўйича тақсимоти (минг га, 1994 йил)

	Умуми й ер фонди	Уларнинг салмоғи, фоиз ҳисобида	Барча тоифадаг и қишлоқ хўжалиги ерлари	Шу жумладан		
				Ҳайдала диган ерлар	Пичанзор лар	Яйловлар
Жами ер	44797,7	100,0	27987,1	4474,5	109,4	22855,6
Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа хўжалик ерлари:	31970,0	71,4	25925,2	4458,8	107,4	20824,6
Шу жумладан:						
Дехкон (фермер) хўжалиги ерлари	82,8		76,8	32,9	0,3	42,1
Фуқаролар ерлари	571,3		477,5	382,5	-	-
Заҳирадаги ва ўрмон хўжалиги ерлари	10203,9	22,8	1975,3	9,0	2,0	1954,1
Бошқа тоифадаги ерлар	2623,8	5,8	86,6	6,7	-	76,9

Қишлоқ хўжалиги ерлари ичида энг катта улуш (83,5 %) ўтлоқлар ва, айниқса, яйловларга тўғри келади. Кейинги ўринларни ҳайдаладиган ерлар (14,9 %), кўп йиллик экинлар-боғ ва тоқзорлар (1,4 %) эгаллайди. Ўзбекистонда бўз ерлар улуши анча паст, яъни (0,2 %) га тенг. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ва бошқа турдаги ерларнинг улуши республика жами ер фондининг 37,3 % ини ташкил этади.

Худуди чўл ва дашт минтақаларда жойлашган вилоятларда яйловларнинг салмоғи нисбатан анча юқорилиги билан ажралиб туради. Бу кўрсаткич Навоий вилоятида жами қишлоқ хўжалиги ерларининг 98,7 % ини, Бухоро вилоятида-92,5 %, Сурхондарё вилоятида-73,8 %, Қашқадарё вилоятида-68,8 %, Самарқанд вилоятида-61,6 %, Хоразм вилоятида-59,8 %, Тошкент вилоятида-54,8 %, Қорақалпоғистон Республикасида эса 91,6 % ни ташкил этади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг деярли 97,0 % и ҳайдаладиган ерлар ҳисобига тўғри келади. Лекин улар республика худуди бўйича нотекис тақсимланган.

Ҳайдаладиган ерларнинг энг катта майдонлари Қашқадарё (16,9 %), Жиззах (11,1 %), Самарқанд (10,9 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (10,5 %) жойлашган. Шу вақтнинг ўзида энг паст кўрсаткичлар Наманган (4,8 %), Бухоро (4,9 %), Андижон (5,0 %), Хоразм (5,2 %) ва, айниқса, Навоий (2,7 %) вилоятларига хос бўлмоқда(2-жадвалга қаранг).

Ҳайдаладиган ерларнинг энг маҳсулдор самарали қисми суғорма ерлардир.

Ўзбекистон суғорма деҳқончилиқнинг марказларидан бири ҳисобланади. Суғориладиган ерларнинг умумий майдони салкам 4,2 млн. га ни ташкил этади. Унинг асосий қисми тупроқ-сув шароити нисбатан қулай бўлган водий ва воҳаларда жойлашган. Фарғона, Зарафшон водийлари, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм воҳалари шулар жумласидандир. 1960-йиллардан бошланган кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига суғориладиган ерлар майдони икки мартадан зиёд кўпайди. Ўсиш асосан Мирзачўл, Қарши чўли, Эллиққалъа массивлари ҳисобига таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерлари ва улардан фойдаланиш
хусусиятларига кўра тақсимланиши

Маъмурий худудий бирликлар	Қишлоқ хўжалиги ерлари		Шу жумладан									
			Ҳайдаладиган ерлар		Шундан суғориладиган ерлар		Кўп йиллик экинлар		Яйлов ва ўтлоқлар		Бўз ерлар	
	Минг га, ҳис.	100	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Ми нг га, ҳис.	%, ҳис.
Жами	27511	100	4089	14,9	3327	12,1	382	1,4	22967	83,5	73	0,2
Қорақалпоғ истон Республи каси	5348	100	430	8,1	430	8,1	13	0,2	4901	91,6	4	0,1
Андижон	260	100	204	78,5	204	78,5	30	11,5	2,5	9,6	1	0,4
Бухоро	3088	100	200	6,5	200	6,5	26	0,8	2856	92,5	6	0,2
Жиззах	1289	100	452	35,1	248	19,2	21	1,6	811	62,9	5	0,4
Қашқадарё	2253	100	665	29,5	413	18,3	37	1,6	1527	67,8	24	1,1
Навоий	10133	100	112	1,1	92	0,9	10	0,1	10004	98,7	7	0,1
Наманган	380	100	198	52,1	198	52,1	39	10,3	143	37,6	-	-
Самарқанд	1317	100	445	33,8	264	20,0	57	4,3	811	61,6	4	0,3
Сурхондарё	1244	100	289	23,2	247	19,9	35	2,8	918	73,8	2	0,2
Сирдарё	380	100	287	75,5	262	68,9	12	3,2	74	19,5	7	1,8
Тошкент	876	100	335	38,2	297	33,9	49	5,6	480	57,8	12	0,4
Фарғона	371	100	258	69,5	258	69,5	38	10,3	75	20,2	-	-
Хоразм	572	100	214	37,4	214	37,4	15	2,6	342	59,8	1	0,2

Ҳозирги кунда суғорма деҳқончилик Қорақалпоғистон Республикасида ва Қашқадарё вилоятида юқори даражада ривожланган. Қадимги суғорма деҳқончилик марказлари-Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Наманган вилоятлари ўзларининг мавқеларини сақлаб қолдилар. Мирзачўлнинг ўзлаштирилган қўриқ ерлари ўрнида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ташкил этилди. Бугунги кунда республикадаги жами суғориладиган ерларнинг 15,4 % и мазкур вилоятларга тўғри келади.

Ўзбекистонда боғ ва токзорлар эгаллаган майдон салкам 0,4 млн. гектарга тенг. Унинг қатта қисми Фарғона водийси вилоятлари ва Самарқанд

(14,9 %) ва Тошкент (12,8 %) вилоятларига тўғри келади. Бинобарин, боғ ва токзорларнинг асосий қисми тоғ олди минтақаси яхши ривожланган вилоятларда жойлашган. Шунингдек тоғ олди минтақасида жойлашган ва катта қисмини адир-тоғлар эгаллаган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам боғдорчилик ва токчилик(узумчилик) яхши ривожланган. Текислик минтақасидаги вилоятларда эса (Сирдарё, Хоразм, Навоий ва бошқа вилоятларда) боғдорчилик ва узумчилик тармоғи нисбатан пасив ривожланган ва улар кичик майдонларни эгаллаган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда уй-жой томорқа хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакат томорқа ва дала-боғ ерларининг умумий майдони салкам 0,6 млн. гектарни ташкил этади. Унинг нисбатан катта майдонлари Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда юқорида қайд этиб ўтилганидек, жами ер фондининг 37,3 % и қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ҳамда бошқа турдаги ерлардан иборат. Мазкур ерларнинг жуда катта майдонлари Устюрт платоси, Қизилқум чўллари ҳамда Туркистон, Зарафшон, Ҳисор ва Ғарбий Тяньшань тоғлари эгаллаган маъмурий-худудий бўлақларга тўғри келади. Шундан, 66,6 % ёки 11103 минг гектар ер биргина Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади. Бундан кўринадики, ушбу республикадаги ер фондининг 70 % и қишлоқ хўжалигида фойдаланиб бўлмайдиган ерлардан, яъни Устюрт платоси ва Қизилқум чўлининг шимоли-ғарбий қисмидан иборат.

Республикада ҳайдаладиган ва суғориладиган ерларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари йилдан-йилга камаймоқда. 1987-1997 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ерлар ҳажми 16,5 % га, суғориладиган ерларнинг ҳажми эса 9,0 % га қисқарди. Ана шу давр мобайнида аҳоли жон бошига нисбатан ҳайдаладиган ер 0,04 гектар га қисқариб 0,19 гектарни, қишлоқ ерларда эса 0,31 гектарни ташкил этди. Бу аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини

эса асосий ишлаб чиқариш воситаси-ер билан таъминлаш борасида кўшимча қийинчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ерларнинг сифати ҳам кейинги йилларда бир оз ёмонлашиб, уларнинг унумдорлиги камаймоқда.

Тупроқ унумдорлигининг энг муҳим омили-гумус билан таъминланганлик даражаси сўнгги чорак аср ичида ниҳоятда пасайиб кетди(0,4-1,0 %) ва бундай тупроқлар суғориладиган ерларнинг салкам 40 % ини эгаллайди.

Республиканинг суғориладиган ерларида юз бераётган шўрлашиш жараёни ортиб бориши ташвишланарли ҳолдир. Маълумотларга қараганда, бебаҳо бойлигимиз ҳисобланган суғориладиган ерларнинг деярли 52 % и шўрланган. Шундан 40 % га яқини ўртача ва кучли шўрланган ерлардан иборат.

Республика миқёсида ерларнинг шўрлашиш даражаси Хоразм вилоятида (100 %, шундан 25 % и ўртача ва кучли шўрланган), Қорақалпоғистон Республикасида(86 %, шундан 57 % и ўртача ва кучли) ҳамда Сирдарё вилоятида (87 % шўрланган, шундан 44 % и ўртача ва кучли шўрланган) нисбатан юқори кўрсаткичларга эга.

Андижон ва Сурхондарё вилоятларида шўр босган ерлар майдони нисбатан кам бўлса ҳам, ана шу ерлар кучли шўрланганлиги(72 ва 46 %) билан ажралиб туради. Минераллашган грунт сувлар сатҳининг баландлиги ва тупроқнинг шўрланганлиги суғориладиган ерларнинг сифатини ва унумдорлигини пасайтириб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кескин камайишига олиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, пахта ҳосилдорлиги кам шўрланган ерларда 20-30 %, ўртача шўрланган ерларда-40-60 %, кучли шўрланган ерларда 80 % гача ва ундан ҳам кўпга қисқаради. Бунинг натижасида, республикада пахта ялпи

ҳосили(йилига 0,5-0,6 млн. т га яқин, пахта толаси эса 170 минг т) кам тайёрланмоқда.

Тупроқ унумдорлигига сув ва шамол эрозияси ҳам салбий таъсир кўрсатади. Сув эрозияси таъсирида бўлган ҳайдаладиган ерлар Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида катта майдонларни эгаллайди. Республикада суғориладиган 2,1 млн. га ер шамол эрозияси таъсирига берилган. Шундан 0,65 млн. га да ана шу омилнинг таъсири анча кучли ҳисобланади. Мазкур омил таъсирида бўлган суғорма ерлар Фарғона (165 минг га), Сурхондарё (106 минг га), Қашқадарё (80 минг га) ва Бухоро (53 минг га) вилоятларида катта майдонларни эгаллайди. Шамол эрозияси таъсирида бўлган суғорма ерларнинг салмоғи Сирдарё (жами суғориладиган ерларнинг 88 %), Бухоро (78 %), Хоразм (73 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (71 %) юқори кўрсаткичларга эга.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерлари ва улардан
фойдаланиш хусусиятларига кўра маъмурий ҳудудий бирликлар бўйича

ТАҚСИМЛАНИШИ

Маъмурий ҳудудий бирликлар	Қишлоқ хўжалиги ерлари		Шу жумладан									
			Ҳайдаладиган ерлар		Шундан суғориладиган ерлар		Кўп йиллик экинлар		Яйлов ва ўтлоқлар		Бўз ерлар	
	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Минг га, ҳис.	%, ҳис.	Минг га, ҳис.	%, ҳис.
Жами	27511	100	4089	100	3327	100	382	100	22967	100	73	100
Қорақалпоғ истон Республика си	5348	19,4	430	10,5	430	12,9	13	3,4	4901	21,3	4	5,5
Анджон	260	0,9	204	5,0	204	6,1	30	7,9	2,5	0,1	1	1,4
Бухоро	3088	11,2	200	4,9	200	6,0	26	6,8	2856	12,4	6	8,2
Жиззах	1289	4,7	452	11,1	248	7,5	21	5,5	811	12,4	5	6,9
Қашқадарё	2253	8,2	665	16,3	413	12,4	37	9,7	1527	6,8	24	32,9
Навоий	10133	36,8	112	2,7	92	2,8	10	2,6	10004	43,6	7	9,6
Наманган	380	1,4	198	4,8	198	6,0	39	10,2	143	0,6	-	-
Самарқанд	1317	4,8	445	10,9	264	7,9	57	14,9	811	3,5	4	5,5
Сурхондарё	1244	4,5	289	7,1	247	7,4	35	9,2	918	4,0	2	2,7
Сирдарё	380	1,4	287	7,0	262	7,9	12	3,1	74	0,3	7	9,5
Тошкент	876	3,2	335	8,2	297	8,9	49	12,8	480	2,1	12	16,4
Фарғона	371	1,4	258	6,3	258	7,8	38	10,0	75	0,3	-	-
Хоразм	572	2,1	214	5,2	214	6,4	15	3,9	342	1,5	1	0,4

Шамол ва сув эрозияси асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини 10-15 % га қисқартиришига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда 20-асрда суғориладиган ерлар майдони салкам 3 баробарга кўпайди. Агар аср бошларида суғориладиган ерлар майдони 1809,6 минг га ни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг майдони 4238,6 минг га га етди. Бунга ирригация-мелиорация тадбирларига эътибор кучайтирилиши ҳисобига эришилди. Йирик сув омборлари ва каналлар барпо этилди. Кўриқ ерлар ўзлаштирилди. Республика аҳолиси сонининг ўсиш суръатлари суғориладиган

ерларни кенгайтириш суръатларидан юқори бўлиб аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ерлар майдони йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Республикада ер муносабатларига оид ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлар асосида ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш каби масалалар Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси асосида мувофиқлаштирилиб турилади.

Тупроқ деб литосфера(ер пўсти)нинг энг устки, унумдорлик хусусиятларига эга бўлган ва ўсимликлар ўса оладиган қатламга айтилади.

Тупроқ бир қатор омиллар таъсирида пайдо бўлади. Бунда тупроқ ҳосил қилувчи она жинс-яъни тоғ жинслари, сув, ҳаво ва турли организмларнинг таъсирида мураккаб жараёнлардан сўнг тупроқ шаклланади.

Тупроқ унумдор қисмининг шаклланишида нураш муҳим ўрин тутди.

Нураш деб тоғ жинсларининг иқлим, сув ва организмлар таъсирида парчаланишига айтилади. Нураш физик, кимёвий ва биологик турларга бўлинади. Нураш натижасида аллювиал, делювиал, пролювиал, эллювиал, эол, лёсс ётқизиклари ҳосил бўлади.

Аллювиал ётқизиклар-дарё сувлари олиб келиб ётқизиши натижасида ҳосил бўлган дарё ётқизиклари.

Элювиал ётқизиклар-нураш жараёнида ҳосил бўлган ва ва ўз жойини ўзгартирмаган маҳсулотлар.

Делювиал ётқизиклар-тоғнинг юқори қисмида жойлашган қор ва ёмғир сувларининг юқоридан тоғ этакларига томон ҳаракатланиши натижасида тоғ жинсларининг ювилиб тушиши ва тоғ этакларида тўпланиши.

Пролувиал ётқизиклар-сел оқимлари таъсирида ювиб олиб тушилган тоғ жинслари.

Эол ётқизиклар-шамоллар учириб олиб келиб ётқизиши натижасида ҳосил бўлган ётқизиклар.

Лёсс ётқизиклари-таркибида қум бўлмаган майда жинсли, юмшоқ қатлам.

Тупроқ ҳосил бўлишида иқлим, рельеф, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таъсири жуда кучлидир. Иқлим-тупроқ ҳосил бўлишидаги асосий омиллардан биридир. У тупроқ шаклланишига ҳарорат ва ёғин-сочин миқдори орқали таъсир кўрсатади. Иқлим ўз навбатида ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва нурашга ҳам таъсир кўрсатади.

Ер шарсимон бўлганлиги учун қуёшдан келаётган иссиқлик ер шарида нотекис тақсимланади. Бунинг натижасида иқлим минтақалари ҳосил бўлади. Бу иқлим минтақаларида ҳаво ҳарорати ва ёғин-сочин миқдори бир-биридан фарқ қилади. Қишлоқ хўжалигида ҳарорат деганда фақат фойдали ҳарорат ҳисобга олинади. Ўсимликларнинг вегетация давридаги 10-0⁰ С дан юқори бўлган ҳароратга **фойдали ҳарорат** дейилади. Ўсимлик ва организмлар ҳам тупроқ ҳосил бўлишида муҳим ўрин тутади. Негаки, улар тупроқ ҳосил қилувчи маҳсулотларга таъсир кўрсатмаса тупроқ ҳосил бўлмайди. Организмлар тупроқдаги органик қолдиқларни парчалаб чириндига айлантиради, ўсимликлар уларни ўзлаштиради. Ўсимликларнинг вегетация даври тугагач, тупроқ бетида уларнинг қолдиқлари қолади. Бу қолдиқлар иқлим, микроорганизмлар таъсирида чириндига айланади.

Тупроқ ҳосил бўлишида инсон, яъни антропоген омил ҳам катта таъсир кўрсатади. Инсон тупроққа икки йўл билан таъсир кўрсатади:

1.Тупроқдан нотўғри фойдаланиш. Инсон тупроқ(ер)дан фойдаланиш жараёнида агротехник тадбирларга риоя қилмасдан унга нотўғри ишлов бериши натижасида унинг унумдорлигини пасайтириб юбориши ва табиий хусусиятларини издан чиқариб юбориши мумкин.

2.Тупроқдан тўғри фойдаланиш. Тупроқ(ер)га ишлов бериш, агротехника қоидаларга қатъий амал қилиш, ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали тупроқ унумдорлигини ошириб бориш мумкин.

Ўсимликларнинг тупроқдаги чиринди миқдorigа, тупроқдаги иссиқликка талаби жуда катта.

Тупроқ чириндиси тоғ жинслари, ўсимлик ва организмларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Чиринди тупроқни ўсимлик учун зарур бўлган озуқа элементлари билан бойитади. Тупроқ унумдорлигини таъминлайди, иссиқлик хоссаларини яхшилайдди, ўсимлик ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратади. Шунинг учун ерларни айниқса, гумус миқдори кам бўлган тупроқларни чиринди билан бойитиб бориш зарур.

Дала экинларини экиш муддатлари тупроқ ҳароратига боғлиқ. Тупроқ иссиқлик режими орқали ўсимликларнинг униб чиқишига, ривожланишига, вегетациясига ва тупроқдаги организмлар фаолиятига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда тарқалган тупроқлар. Мамлакатимизда табиий шароитнинг хилма-хиллиги, яъни тоғ жинслари, ер усти тузилиши, гидрологик шароит, арид континентал иқлим, ўсимлик ва организмлар таъсирида турли хил тупроқлар шаклланган.

Табиий шароитга боғлиқ ҳолда республикаимизда тупроқлар зонал ва азоналлик қонуниятлари асосида тарқалган. Пастдан юқорига томон ҳаво ҳарорати, атмосфера босими ва ёғин-сочин миқдорининг ўзгариб бориши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, шу жумладан тупроқларнинг ҳам ўзгариб, алмашилиб боришига сабабчи бўлади. Тупроқларда чиринди миқдори турлича бўлиб, улар қишлоқ хўжалигида фойдаланиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шунга мос ҳолда республикаимизда чўл, адир, тоғ ва яйлов миқтақаси тупроқлари ажратилади.

Чўл минтақаси тупроқлари. Бу минтақа океан сатҳидан 400-500 метргача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Чўл минтақасида асосан **сур-қўнғир тупроқ** тарқалган. Сур-қўнғир тупроқда чиринди миқдори жуда ҳам кам бўлиб, 0,3-0,7 % гача етади. Таркибида туз миқдори кўп. Бу тупроқ республиканинг Устюрт платоси, Қарши, Малик чўллари, Марказий Қизилқумда жойлашган қолдиқ тоғларнинг этакларида учрайди. Суғорма

деҳқончилик учун яроқли, лекин ундан фойдаланиш имконияти жуда ҳам паст. Бу ерлардан кўпинча яйлов сифатида фойдаланилади.

Тақирлар-аллювиал ва пролювиал ётқизиклардан ҳосил бўлган чўл зонаси тупроғи. Таркибида гилли жинслар кўп, чиринди миқдори жуда ҳам кам, атиги 0,4-1,0 %. Тақирлар Устюрт платосининг жанубий қисмида, Амударё ва Зарафшон дарёларининг қуйи қисмидаги қадимий дельталарида, Қарши чўлининг жануби-ғарбий қисмларида учрайди. Бу тупроқлардан фойдаланиш учун ернинг шўрини ювиш, сизот сувлари сатҳини меъёрида ушлаб туриш, доимий ўғитлар солиб туриш зарур.

Ўтлоқ тупроқлари. Бу тупроқ таркибида чиринди миқдори 2 % гача етади. Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё каби дарёларнинг қуйи қайирларида тарқалган. Инсон хўжалик фаолияти таъсирида бу тупроқ кўп жойларда суғориладиган ўтлоқ тупроққа айлантирилган.

Адир минтақаси тупроқлари. Республика қишлоқ хўжалигида энг кўп фойдаланиладиган тупроқ бўз тупроқ бўлиб, унинг тарқалиш ареали адир минтақасига тўғри келади. Республиканинг 400-500 м дан то 1000-1200 м, айрим жойларда 1600 м гача бўлган қисмини адир минтақаси эгаллайди. Адир минтақасининг асосий тупроғи **бўз тупроқ** ҳисобланади. Бу тупроқ асосан лёсс, пролювиал ва аллювиал ётқизиклардан ҳосил бўлган. Бўз тупроқ таркибида чиринди миқдори 1-2 % дан 4-5 % гача етади.

Бўз тупроқ морфологик ва кимёвий таркибига кўра оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқ турларига бўлинади.

Оч тусли бўз тупроқ океан сатҳидан 250-400 м бўлган тоғ олди зоналарида кўп учрайди. Чиринди миқдори кам(1,5-1,7 %). Лалмикор ва суғорма деҳқончиликда кенг фойдаланилади.

Типик бўз тупроқ мутлақ баландлиги 300-400 м дан 800 м гача бўлган тоғ олди этакларида кенг тарқалган. Чиринди миқдори оч тусли бўз тупроққа нисбатан бир оз кўп. Гумус миқдори 1,5 % -2,5 %, айрим ҳудудларда 2,88 %

гача етади. Бу тупроқ тарқалган худудларнинг аксариятида суғорма деҳқончилик қилинади, қисман лалми экинлар экилади.

Тўқ тусли бўз тупроқ 600-800 м дан 1400-1600 м гача бўлган паст тоғлар ва тоғ олди этакларида тарқалган. Чиринди миқдори оч тусли ва типик бўз тупроқларга нисбатан кўп, 2,3-3 % дан айрим жойларда 4-5 % гача боради. Чиринди миқдори кўп бўлишига қарамасдан нисбатан баландда тарқалгани учун суғорма деҳқончиликда кам фойдаланилади. Бу тупроқда кўпроқ бахори экинлар экилади.

Бўз тупроқ республика кишлоқ хўжалигида, хусусан суғорма деҳқончиликда фойдаланиладиган бебаҳо ер ресурси ҳисобланади. Бу тупроқ Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ-Оҳангарон, Сурхондарё, Қашқадарё водийларида, Мирзачўлда кенг тарқалган. Бўз тупроқ минг йиллар давомида аҳоли томонидан ўзлаштириб келинган. Бунинг таъсирида тупроқ ўзининг табиий хусусиятларини деярли йўқотиб, маданий бўз тупроққа айланган.

Тоғ минтақаси тупроқлари. Тоғ минтақаси океан сатҳидан 1200-1600 м дан 2800-3000 м баландликка эга бўлган жойларни ўз ичига олади. Бу минтақада асосан **тоғ жигарранг ва тоғ қўнғир ўрмон тупроқлари** тарқалган. Чиринди миқдори нисбатан кўп, 4-5 % дан айрим жойлар-арчазорлар тагида 11 % гача етади. Афсуски, чириндига бой бўлган бу тупроқлардан деҳқончилик мақсадларида қарайб фойдаланилмайди, чунки бунга ноқулай рельеф шароити йўл бермайди. Қисман лалмикор деҳқончилик ва чорвачиликда фойдаланилади.

Яйлов минтақаси тупроқлари. Бу минтақа тоғларнинг баланд қисмларини ўз ичига олади. Асосий тупроғи-**оч тусли қўнғир тупроқ**. Тупроқдаги чиринди миқдори 5-7 % атрофида. Бу минтақада асосан чорвачилик ривожланган.

Тупроқлардан тўғри фойдаланиш. Тупроқ бебаҳо табиий ресурс. Инсон тупроққа ишлов бериб ундан ўзи учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштиради. Республика ер майдони 44,7 млн. гектарга тенг бўлиб, унинг фақат 4,2 млн. гектаридангина суғорма деҳқончиликда фойдаланилади, холос.

Холбуки республикада ўзлаштириш мумкин бўлган ерлар 18 млн. гектарни ташкил этади. Қолган ҳудудлар яйлов, ўрмонзор ва бошқалардан иборат.

Суғориладиган ерлар 4,2 млн. гектарга тенг бўлиб, республика ер фондининг 9,3 % ини ташкил этади. Унинг 1,6 млн. гектари ёки 38 % и чўл, 2,6 млн. ёки 62 % и бўз тупроқ минтақасига тўғри келади.

Ўзбекистон ер фондининг катта қисми 26,5-27,0 млн. гектари ёки 60,4 % и яйловлардан ташкил топган. Улардан чорвачиликда, айниқса қорақўл кўйларини боқишда кенг фойдаланилади.

Республика ҳудудининг 6,6 млн. гектари ёки 14,8 % и лалмикор деҳқончилик зонасига тўғри келади. Унинг 1,1-1,3 млн. гектар қисмидан ҳайдалиб деҳқончилик қилинади. Қолган қисмидан чорвачиликда яйлов ва ўтлоқ мақсадларида фойдаланилади.

Тупроқлардан тўғри фойдаланиш, уларни шўрлашиш ва эрозиядан сақлаш бугунги куннинг энг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Негаки, суғорма деҳқончилик қилинадиган бўз тупроқларнинг тенг ярми шўрлашган ва сув эрозиясига учраган. Шўрлашиш даражаси Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида нисбатан юқоридир.

Тупроқларни эрозиядан ҳимоя қилиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Эрозия кўпроқ яйловларда чорва молларини тартибсиз боқилиши, тоғ ёнбағирларини нотўғри ҳайдаш, ўсимликларнинг кўп нобуд қилиниши, ўрмонлар ва арчазорларнинг аёвсиз кесилиши натижасида келиб чиқади. Шунинг учун тоғ минтақаси тупроқларидан тўғри фойдаланиш ва бу соҳада илғор усулларни қўллаш зарур. Эрозияга қарши тадбирларни амалга ошириш керак.

Таянч термин ва тушунчалар

Ер фонди, суғориладиган ерлар, ўтлоқлар, яйловлар, чўл ва дашт минтақаси, ҳайдаладиган ерлар, боғ ва токзорлар, уй-жой томорқа хўжалиги, тупроқ унумдорлиги, шўрлашиш, сув ва шамол эрозияси. Тупроқ, нураш, аллювиал, пролювиал, делювиал, эол ва лёсс ётқизиклари, иқлим, тупроқ чириндиси, сур-кўнғир тупроқ, тақирлар, бўз тупроқ, яйлов минтақаси тупроқлари, тупроқлардан тўғри фойдаланиш.

Мавзуни такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ер фонди деганда нимани тушунасиз?
2. Давлат ер фонди қандай ерлардан ташкил топган?
3. Нима учун қишлоқ хўжалиги ерлари ичида энг катта улуш ўтлоқларга тўғри келади?
4. Қайси вилоятларда яйловлар салмоғи юқори?
5. Ҳайдаладиган ерларнинг энг катта майдонлари қайси вилоятларга тўғри келади?
6. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги картасидан суғорма деҳқончилик марказларини аниқланг.
7. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларнинг асосий майдонлари қайси ҳудудларга тўғри келади?
8. Тупроқ унумдорлиги нима?
9. Шўрланиш даражаси қайси вилоятларда юқори?
10. Сув ва шамол эрозияси тупроқ унумдорлигига қандай таъсир кўрсатади?
11. Тупроқ деб нимага айтилади ва у қайси омиллар таъсирида пайдо бўлади?
12. Нураш нима ва унинг қандай турларини биласиз?
13. Инсон тупроққа қандай йўллар билан таъсир кўрсатади?
14. Тупроқ чириндиси қандай ҳосил бўлади?
15. Нима учун сур-қўнғир тупроқларда чиринди миқдори кам? Бўз тупроқларда аксинча кўп?
16. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида республика шароитида қайси тупроқдан энг кўп фойдаланилади?
17. Ўзбекистон ер фондида қайси тупроқ энг катта майдонни эгаллайди ва ундан қишлоқ хўжалигида қандай мақсадларда фойдаланилади?
18. Тупроқлардан тўғри фойдаланиш учун қандай тадбирларни доимий олиб бориш зарур?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Асанов Г.А. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -248 б.
2. Асанов Г. ва бошқ. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -209 б.
3. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -264 б.
4. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. -455 б.
5. Талипов Г.А. Ўзбекистон ер кадастри асослари. –Т.: Молия, 2007.-187 б.
6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф А.Тўхлиев. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. -237 б.

7. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1997.
8. Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси (Маърузалар матни). - Андижон. 2000.
9. Ғаниев Т.Ғ., Комилов О.К. Деҳқончилик, тупроқшунослик ва агрокимё асослари. –Андижон, Андижон нашриёт матбаа ОАЖ, 2005. -320 б
10. Ҳусанов Р.Ҳ. ва бошқ. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. -Т.: 2003. - 772 б.